



КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ДАВРИДА СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ ТАРИХИ ХУСУСИДА

М.А.Эргашева

Андижон давлат университети
Педагогика институти ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5572726>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021
Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

совет ҳокимияти, солиқ,
солиқ сиёсати,
коллективлаштириш,
қишлоқ хўжалиги, қулоқ
хўжалиги

ANNOTATSIYA

Мақолада Совет ҳукуматининг коллективлаштириш даврида олиб борган солиқ ва солиқ сиёсатига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг кейинги йилларда унинг маънавий ҳаётида янги давр - уйғониш, ўзликни англаш “3-реннесанс” даври бошланди. Совет давридаги маъмурий буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган тарихни сохталаштириш, нотўғри талқин этишга барҳам берилди. Эндигина шаклланаётган миллий мафкурамизнинг асоси бўлмиш миллий тарихни қайта тиклаш имконияти туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши билан солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги масалаларини

тартибга соувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни икки хил талқин қилинишини олдини олиш муҳим вазифа этиб белгилади.

“Совет қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда рус тилида - кулак, ўзбек тилида - муштумзўр атамалари 1920 йилларда кенг истеъмолда бўлди. Қулоқларнинг иқтисодий-ижтимоий мақоми ва синфий белгиларига нисбатан аниқлик киритилди. Деҳқоннинг ерга бўлган ҳуқуқи икки ҳолат билан: деҳқоннинг синфий ҳолати - қулоқ; сиёсий ҳуқуқларининг мавжудлиги - “ҳақсиз”лиги билан аниқланадиган бўлди”

Архив материалларида берилишича, 1929 йилга қадар Совет Иттифоқи бўйича қулоқ хўжаликларини белгилаш



бўйича яона ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган. Ҳар бир комиссарлик ва муассасалар ўз идоровий мезонларидан келиб чиқиб қулоқ хўжаликларини белгилаганлар.

1929 йилгача Ўзбекистон ССРдаги хўжалк органлари пай миқдорини, контрактация ва топширадиган маҳсулот нормасига қараб аванс белгилашда, ссуда бериш ва ссуда фоизларини дифференциал ҳолда аниқлаш бўйича ўзларининг тезкор ишларида солиқ оклади маълумотларидан фойдаланганлар. Унинг сўмда рақамлар билан ифодаланиши оклад варағида қишлоқ хўжалик солиғи билан бирга қайд этилган.

Хўжалик органлари солиқ оклади белгиларига қараб ижтимоий гуруҳлар тузилган. Батрақлар.

Қишлоқ хўжалик солиғидан озод қилинган камбағал деҳқонлар.

Камқувват ва ўртаҳол хўжаликлар.

Қулоқлар.1

ЎзССР Молия халқ комиссарлиги (Наркомфин) органлари томонидан якка тартибда солиққа тортишда хўжаликнинг йиллик умумий даромади миқдорини бош мезон қилиб олган. Деҳқон хўжаликларини ижтимоий гуруҳларга ажратиш ва қулоқ хўжаликларини аниқлашда совет хўжалик органлари қўллаётган кўплаб турли туман ва бир бирига зид бу схемалар ЎзССР Марказий Статистика бошқармаси фаолиятида жиддий қийинчиликлар туғдирган. Схемага кўра

деҳқон хўжаликлари 3 ижтимоий гуруҳга камбағал, ўртаҳол ва қулоқ хўжаликларига бўлиниб, улар 6 тоифага ажратилган. Камбағал хўжалик солиқ солинадиган минимум бўйича қишлоқ хўжалик солиқларидан озод қилинган. Ўртаҳол хўжалик қишлоқ хўжалик солиғи бўйича барча имтиёзларга эга бўлган. Қулоқ хўжалиги қишлоқ хўжалиги солиғи имтиёзларидан турли даражада маҳрум қилинган.

Совет ҳокимияти солиқ сиёсатидан деҳқонлардаги бор ғаллани давлатга соттириш воситаси сифатида, аниқроқ айтганда, ғалла тайёрлаш режасини бажариш мақсадида фойдаланди. Бадавлат деҳқон хўжаликларига солинган солиқ миқдори камбағалларга нисбатан 30-35 % ёки 60-70 % ортиқ эмас, балки 2-3 айрим ҳолларда 5-6 баробар кўп бўлган. Солиқ даромаднинг муайян қисмини давлат бюджетига олиш воситасидан, хўжаликларни хонавайрон қилиш воситасига айланган. Иттифоқ оқсоқоли М.Калинин бу ҳақда тўхталиб “айрим маҳаллий ташкилотлар янги қонунни қулоқлаштириш деб тушундилар”, бу эса “шундай хатоларга олиб келдики, қишлоқ хўжалик солиғи ҳақидаги қонуннинг тўғридан тўғри бузилиши ҳисобланади”² - деб тан олишга мажбур бўлган. Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтишдан анча илгарийёқ қишлоқнинг бадавлат, тадбиркор ва ишбилармон қатламларига нисбатан турли сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ва таъқиблар орқали кучли чеклаш сиёсати қўлланилди.

¹ ЎЗР АВДА. 189-фонд., 1-рўйхат., 332-иш., 1-2-варақлар

² Документы свидетельствуют. Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации 1927-1932 гг. М., 1989., 24-б



Қулоқ хўжаликликлари аксарят ҳолларда сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида эса улар турли иқтисодий ва молиявий имтиёزلардан маҳрум қилиндилар, зиммаларига оғир солиқ ва мажбуриятлар юкланди.

Ўша давр тарихини тўғри ва холисона талқин этиб, бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларни, солиқ сиёсатига боғлиқ тарихий манбаларни ўрганиш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкин-ки, очиқ ошкора ва адолатли солиқ тизими иқтисодиёт ривожининг энг муҳим асосидир. Лекин юртимизда ҳозиргача амал қилиб келинаётган солиқ маъмуриятчилигида кўплаб ноаниқликлар борлиги бизнес тадбиркорлик инвестиция соҳалари рағбатига тўсиқ бўлаётган эди. Ставкаларни кўплиги (юқорилиги) инсофли солиқ тўловчиларни қийнаб

келарди. Бу каби муаммоларни бартараф этиш солиқ юкини камайтириш ва чиникам бозор иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Келгуси йилдан бошлаб солиқ турлари 19 тадан 15 тага қисқармоқда.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби солиқ тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар солиқ тўловчилар учун энгилликлар жорий қилиб келинмоқда. Айниқса, бутун дунёда шу жумладан мамлакатимизда ҳам “корона вирус” пандемияси давом этаётган бир пайтда тадбиркор ва ишбилармонларга шу жумладан, фуқароларимиз учун ҳам карантин даврида ҳукуватимиз томонидан бир қанча солиқ имтиёзлари ажратилди. Бундай имтиёزلардан унумли фойдаланиш мамлакатимиз келажаги ва рағбат учун улкан ҳисса қўшиш учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши. Т., Халқ сўзи., 14.02.2018й.
2. Б.Расулов. “Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи”.Т., Шарқ., 2012., 190-б.
3. ЎзР АВДА. 189-фонд., 1-рўйхат., 332-иш.,1-2-варақлар
4. Документы свидетельствуют. Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации 1927-1932 гг. М., 1989., 24-б